

Жиноятчиликка қарши курашиш йўлидаги муҳим вазифалар муҳокама ҚИЛИНДИ

Фурқат тумани ҳокимлиги мажлислар залида жиноятчиликка қарши курашиш борасида олиб борилаётган ишларга бағишлиланган йиғилиш бўлиб ўтди.

Унда секторлар раҳбарлари, туман ҳокимининг тегишли ўринbosарлари, туман прокуратураси, ички ишлар бўлими, ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар раҳбарлари, маҳалла ходимлари, масалаларга алоқадор ташкилот ва муассасалар раҳбарлари иштирок этишиди.

Йиғилишда асосан, жорий йилнинг ўтган давр давомида туманда умумий жиноятчилик ҳолати, динамикаси, жиноятнинг сабаблари ва унинг содир этилишига имкон берган шарт-шароитлар масалалари муҳокама қилинди.

Кун тартибидаги масалалар юзасидан туман прокурори Санжарбек Аминжонов, туман ИИБ бошлиғи Акмалжон Ходжаев ва мутасаддиларнинг ахборотлари тингланди.

Ҳисобот даврида туманда содир этилган жиноят ва ҳуқуқбузарликлар, ушбу хавфли иллатларни келтириб чиқарган сабаблари ҳудудлар ва маҳаллалар кесимида батафсил таҳлил қилинди.

Жиноятчиликни жиловлаш юзасидан белгиланган муҳим вазифаларни тегишли масъул ташкилотларнинг мустаҳкам ҳамкорлигига оғишмай адо этиш юзасидан қўшимча зарурий чоратадбирлар белгилаб олинди.

Шунингдек, жиноятчиликни олдини олиш бўйича намуна кўрсатган бир груп профилактика инспекторлари фахрий ёрлиқ билан тақдирланди.

2023-07-21 20:28:38